O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 13 июнь, № 114 (4267) Чоршанба

## БУНЁДКОР ШИЖОАТИ

### Замондош билан юзма-юз

***Фурқат тумани мамлакатимиздаги энг кенжа туманлардан бири. Бу ерда кейинги йилларда олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободончилик ишлари эътиборга сазовор. Хусусан, туман маркази Навбаҳор шаҳарчасида қад ростлаган маданий-маиший бинолар, таълим ва шифо масканлари, равон йўллар завқингизни оширади.***



Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, маҳаллий тадбиркор томонидан бунёд этилган Париждаги "Эйфель" минорасининг салкам 30 метрлик мўъжаз нусхаси нафақат фурқатликларни, балки бу ерга ташриф буюрган франциялик меҳмонларни ҳам лол қолдирди. Зеро, миноранинг махсус томоша майдонидан туриб олтин водийга боқсангиз, қулфи-дилингиз очилади.

Албатта, бундай ўзгаришлар қаторида туманда ёш авлод келажагига алоҳида эътибор қаратилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Жумладан, Бекобод қишлоғида иқтисодиёт йўналишига ихтисослашган касб-ҳунар коллежи бунёд этилаётгани фикримизга далил бўла олади. 526-хўжаликлараро кўчма жамланма қурувчилари янги зиё масканини истиқлолимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш ниятида ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда.

**СУРАТДА:** қурувчи Азизбек Назаров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ● Воқеалар ● Янгиликлар




*Тошкентдаги Миллий санъатлар марказида «Болажонлар-ширинтойлар-2007» республика болалар модаси фестивали бўлиб ўтди. Анъанага кўра уни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Осиё рамзи» Ўзбекистон мода уюшмаси ташкил этди. Бу гал уларга «Янги авлод форуми» ва «Чодир хаёл» болалар ижодиёти марказлари ҳам қўшилди.*

*Фестиваль дастурига болалар либослари моделлари намойиши ва қатор танловлар — дизайнерлар, ёш манекеншиклар, энг яхши либос, подиумдан энг яхши ўтиш ҳамда кичик ёшдаги болалар ижросидаги энг ёркин ижодий чиқиш танловлари киритилди.*

## БОЛАЛАР МОДАСИ ФЕСТИВАЛИ

Дизайнерлар танловидан мақсад – экологик тоза материаллардан болалар учун кийим тайёрлаш, маҳаллий матоларни тарғиб қилиш, тажриба алмашишдир. Эътиборли томони шундаки, танловда нафақат республикада таниқли усталар, балки ёш дизайнерлар — олий ўқув юртлари талабалари ва ўқувчилар қатнашди.

Танловга Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Нукус, Самарқанд ва Тошкентдан 28 нафар модельернинг ишлари тақдим этилди. Ўзбекистонлик ҳамкасблари ижоди билан танишиш учун Россия ва Чехиядан ҳам дизайнерлар келишди.

«Колибри», «GW Models», «Paradise», «Baby style», «Aysel», «Либос» дизайнерлик мактаблари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти мода театри енгил, қулай, замонавий ва миллий либос бичимларини ўзида мужассам этган болалар кийимларини намойиш этди. Либосларни 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар — мода мактаблари ва болалар ижодиёти марказлари тарбияланувчиларининг ўзи намойиш этди.

Танлов ғолиблари саккиз номинация бўйича аниқланди. Тошкент мода мактабларидан Сайёра Абдуллаева, Лариса Белая, Элнора Носирова, Дилафрўз Сулаймонова ва Алишер Ғиёсов, Самарқанддан Наргиза Аҳмедова, Бухородан Нафосат Тўраева ғолиб деб топилди. Уларнинг ишлари, фотосуратлари мамлакатимизнинг етакчи журналларидан бири — «Bella Terra»да чоп этилади. Тошкентдаги «Колибри» мактаби энг яхши дизайн ва мода мактаби, деб топилди. У шу йил ноябрда Ялтада ўтказиладиган Болалар модаси халқаро фестивалида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

Намойишлар орасида пойтахт болалар ижодиёти марказлари ёш артистлари ўз иқтидорини кўрсатди. Уларнинг чиқишлари ҳам ҳайъат томонидан баҳоланди. Энг истеъдодли ўғил ва қизлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Янги авлод-2007» болалар ижодиёти фестивалида қўшимча баллар олади.

Фестиваль доирасида миллий ўйинчоқлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. У қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**




## «ДАВРОН ЭЛИНИНГ ЖИСМИДА ЖОНМАН»



***Нурбек Тожиев 27 ёшда. Иккита фарзанднинг отаси. Бир йигитга 40 та ҳунар ҳам оз, дегувчилардан. Темирчилик, сандиқсозлик, токарлик, пайвандчилик касбларининг устаси. Бўш вақтларида моддаларнинг кимёвий реакцияга киришини тажриба қилади. «Жаҳон адабиёти» журналининг мухлиси. Ўрта махсус маълумотли юрист. Акалари Сирож ва Садирдан ҳол-аҳвол сўрагани «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл қурилишига келди. Қурилиш кўлами шоиртабиат йигитни ўзига ром қилади. Нурбек акаларининг қошида бетончи бўлиб ишга қолди.***

— **Б**етон қуювчиларнинг қизиқ одатлари бор, — дейди Нурбек қорамағиз юзларидаги кулдиргичларидан табассум ўйнаб, — ўзлари ниҳоясига етказган иншоотнинг ҳали қоришмаси қотмаган бетон сатҳига муҳр битадилар. Иншоот битган санани, уни кимлар бунёд этганини ёзиб қўядилар.

Бугун менинг ўша бунёдкорлар қаторида ўз ўрним борлигидан фахрланаман. Узунлиги 223 километрлик темир йўл масофасининг ҳар бир қаричи катта меҳнатлар эвазига забт этилди. Илон изи бўлиб оқадиган Кофрунсой узра сел ва жилға сувларини ўтказиш қурилмалари, Тангимуш, Дарбанд, Қоқбел, Ўрикзор, Зоххона участкаларида яратилган сунъий галереялар биз ёшларнинг иродасини темирдан ҳам мустаҳкам қилиб toбладИ. Масалан, мен учун темир йўл қурилиши катта мактаб бўлди. Биз ишлаётган махсус поезд монтаж-қурилиш жамоаси ёшлари шу мактабдан сабоқ олдилар. Эл учун, Ватан учун қандай меҳнат қилиш лозимлигини ўргандилар. Ватан деган сўз қуруқ ҳайқириғу шиордан иборат эмаслигини ўргандилар. Ватан қалбига қуруқ сўз билан эмас, қийинчиликлардан қўрқмасдан, фақат меҳнат қилиш орқали сингиш мумкинлигига инондилар.

Мен тенгдошларим, ҳамкасбларим — ёшлар ҳақида эсладим. Улар Эркин, Рустам, Элдор, Альберт, Азамат, Мамадали... Темир йўлни 2 минг киши қураётган бўлса, шуларнинг ярмидан кўпи ўзим тенги йигитлар. Яқинда денг

### Айтгил дўстим, нима қилдик, Ватан учун?!

чебоксарилик эркин сайёҳ ҳузуримизда бир кун меҳмон бўлди. Қизиқувчан одам экан, ишларимизни, гап-гурунгларимизни ипидан игнасига қадар кузатди. Санъатга, китобларга муносабатларимизни, орзу-умидларимизни суриштирди. Илмоқли саволлар бериб руҳиятимизни синаган бўлди. Ва, хайрлашаётиб, «Браво. Ўзбекистоннинг сиз шунқор авлодисиз. Бунақа аҳил ва ишчан авлоди бор юрт бахтли юрт», деган гапларни айтди.

Бундан олдинроқ олмониялик мутахассислар ҳам шаънимизга шундай эътирофлар билдирганини, автомагистраль, темир йўл ва кўприклар қуришда мустақил Ўзбекистон жаҳонга манзур бўладиган тажриба мактабини яратаётганини тан олишганини эслайман.

Ҳа, Ўзбекистон қадамини катта, кўламини кенг олиб ишлаётган, бир имкониятини мингта, миллионта имкониятларга улаштириб бораётган мамлакат. Биз ёшларнинг қалбига эзгу туйғуларни, ғайрат-жижоатни, фидокорликни сингдиролган қутлуғ юрт. Гапимнинг бошида мен ўзимиз қурган иншоотларда ўзимиз қолдирган битикларни эслаганим бежизга эмас. Ўша битиклар бизнинг Ватан шаънига айтган қўшиғимиз. Уни улуғламоқ йўлида ёзган китобимиз. Қурган, қураётган йўлларимиз китобларимизнинг залворли боблари бўлар.

Ишларини китобга менгзаган Нурбекдан бирон мисра шеър ўқиб беришини сўрайман. У иккиланиб ўтирмади. Пешонасининг терини кафти билан сидириб олган бўлди-да:

**«Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил»,** деган мисра билан бошланувчи ғазални ўқиди. Ҳазрат Навоийнинг гўё Нурбек Тожиевга, унинг тенгдошларига атаб битган каломи тоғ даралари узра акс-садо бўлиб янгради.

**Й**ўлим тушиб, Нурбекнинг ота-онаси яшайдиган Очамойли маҳалласига (Қумқўрғон тумани) бордим. Нуриддин ака ва Ҳилол опаларга ўғилларининг саломини етказдим. Яхши ишлаётганлари учун улар учовлариям яқинда катта мукофот олишганини, янги темир йўл қурилиши битай деб қолганини гапириб бердим.

Об-ҳавонинг инжиқлигиданми, толиқиброқ турган ота-онанинг руҳиятига менинг гапларимдан иликлик югургандай бўлди. Фарзандлари тақдирига нур бўлиб йўғрилган Ватан иқболига улар шукроналар айтдилар. Фарзандларига элнинг розилигини тилаб, юзларига оқ фотиҳа тортдилар.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Марокаш делегацияси ташрифи

Мамлакатимизга ташриф буюрган Марокаш энергетика ва тоғ-кон саноати вазири Муҳаммад Буталиб раҳбарлигидаги делегация аъзолари 12 июнь куни «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раиси Ботир Тешабоев билан учрашди.

Марокаш иқтисодиётида тоғ-кон саноати муҳим ўрин тутади. У фосфорит ишлаб чиқаришда дунёда учинчи, экспорт қилишда эса биринчи ўринда туради. Марокашда кўмир, нефть-газ конларини топиш ва ўзлаштириш борасида яхши тажриба тўпланган.

Учрашувда томонлар мамлакатларимизнинг энергетика ва кончилик соҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, Ўзбекистон ва Марокашнинг бу борадаги имкониятлари билан танишдилар.

— Энергетика иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидандир, — деди Марокаш делегацияси раҳбари. — Биз Ўзбекистон билан айнан шу соҳада ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Учрашувда мазкур соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

*Жорий йилнинг 5 ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида касаначилик асосида*

**680 та янги иш ўрни яратилди**



**Жойларда йирик саноат корхоналари билан шартномалар асосида касаначиликни ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, шунча кишини янги меҳнат фаолиятининг турли шакллари билан қамраб олиш, уларни меҳнат дафтарчаси билан таъминлаш имконини берди.**

## «Соната» — танлов ғолиби

***Ялта шаҳрида болалар ва ўсмирлар рақс гуруҳларининг тўртинчи халқаро танлови бўлиб ўтди.***

Танловда дунёнинг қатор мамлакатлари рақс дасталари қаторида Навоий кон-металлургия комбинати «Фарҳод» маданият саройининг «Соната» дастаси (раҳбари Марина Харитонова) ҳам қатнашди. Улар ўзларининг жозибали рақс, лапар ва қўшиқларини маромида ижро этиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.**



## МАРВАРИДЛАР ТИЛЛОГА АЙЛАНАДИ

### Ифтихор

*Пиллачиликни қишлоқ хўжалигининг ҳандалаги, дейишади. Зап топиб айтишган-да. Чунки тарозига илк бор ҳандалакдек жуда тез тайёр бўладиган пилла тушади. Мана, бу йил республикамиз пиллачилари* **22** *минг тонна пилла териб, шартномавий режани уддалашди.*

Бу ўтган йилдагидан **2** минг тонна кўпдир. Қувонарлиси, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Мутахассисларнинг таъбири билан айтганда, навлар аралашмаси меъёрдаги **86** фоиздан ошиб кетди. Ушбу кўрсаткични қашқадарёлик пиллакорлар **90**, бухороликлар **93,6**, андижонликлар эса **95** фоизга етказишди. Бу, албатта, юқори натижа. Хўш, бунга қандай қилиб эришилди?

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси мутахассисларининг сўзларига кўра, ана шу муваффақият давлатимиз томонидан тармоққа қаратилган алоҳида эътибор, пиллачиларга яратиб берилган муносиб шарт-шароит маҳсулидир.

Дарҳақиқат, 2006 йил 15 ноябрда давлатимиз раҳбари имзолаган "Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарордан сўнг тизимда туб бурилишлар рўй берди.

(Давоми 2-бетда).

## Олимпиада умидлари



***Кеча пойтахтимиздаги "Универсал спорт саройи"да бадиий гимнастика бўйича "Олимпиада умидлари" III республика мусобақасининг тантанали очилиш маросими бўлди.***

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур турнир қизларимиз ўртасида ушбу спорт турига қизиқишни ошириб, янги-янги юлдузларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун бўлиб ўтаётган ушбу мусобақада 148 нафар бадиий гимнастикачи қатнашаяпти.

— Ҳозирда беш минг нафардан ортиқ қизлар мазкур спорт тури бўйича машғулотларга жалб этилган, — дейди республика Хотин-қизлар қўмитасининг аёллар ва болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Мухтасар Абдураҳмонова. — Айниқса, ўзбек қизлари ўртасида бадиий гимнастиканинг оммалашаётганлиги қувонарлидир.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

## Ғишт заводи қурилмоқда

***Оҳангарон шаҳридаги саноат корхоналари сони яна биттага кўпаядиган бўлди. Чунки ўтган ҳафта бу ерда ғишт ишлаб чиқарадиган янги заводга пойдевор қуйилди.***

■ Иншоот қурилиши учун Германиядаги "STEINERT INDUSTRIES" компаниясининг 11,5 миллиард сўмлик инвестиция сармояси жалб этилди. Заводнинг юз киши ишлайдиган дастлабки цехларини жорий йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. У тўлиқ қуриб битказилгач, йилига 30 миллион дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади.

## Меҳр малҳами



***Термиздаги 1-вилоят шифохонаси қошида Ортопедия ва тан жароҳати асоратларини даволаш маркази иш бошлади.***

■ Марказни бунёд этишда Германия давлатининг қўшган сармояси салмоқли бўлди. Улар даргоҳга қиймати 382 минг еврога тенг компьютер, томография, ташхис қўйиш, жарроҳлик ва наркоз аппаратлари, лаборатория ускуналарини армуғон қилдилар.

## Коллеж имкониятлари кенгайди

***Ўзбекистон-Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти «JICA»нинг беғараз ёрдами билан Наманган агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежи имкониятлари янада кенгайди.***

■ Тақдим этилган 659 миллион сўмлик грант ҳисобига келтирилган 75 турдаги жиҳозлар орасида компьютер, видеокамера ва бошқа замонавий электроника воситалари бор. Улар талабаларга таълим бериш сифатини юқори босқичга кўтариш, бу ерда ташкил этилган касб-ҳунар коллежлари ўқитувчиларининг минтақавий малака ошириш маркази ишини яхшилашда қўл келмоқда.

***Мамлакатимизда анъана тусини олган уч босқичли спорт ўйинларининг иккинчиси — «Баркамол авлод» мусобақалари кейинги йили Нукусда ўтказилади.***

## «Баркамол авлод» тараддуди

■ Наманганлик йигит-қизлар унга тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб юборишди. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими талабалари жисмоний етуклик кўриги бўлган ушбу тадбирнинг вилоят босқичи ниҳоясига етди. Унда спортнинг ўн тўрт тури бўйича баҳсларда Наманган шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи талабалари энг юқори натижа кўрсатдилар. Чуст педагогика, Янгиқўрғон туманидаги Исковот озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи жамоаларига иккинчи, учинчи ўринлар насиб этди.

Рағбат спортчини илҳомлантиради. Вилоят ҳокимлиги беллашув ғолиблари бўлган талабалар, уларнинг мураббийларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

## «Қиёт» кўзлаган манзил

***Беруний туманидаги «Қиёт» масъулияти чекланган жамияти паррандачиликни ривожлантиришга ихтисослашган. Ўтган йили жамият истеъмолчиларга 321 миллион сўмлик парранда гўшти ва тухум етказиб берган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилаяпти.***

— Ўтган тўрт ойда 761 минг дона тухум, 20 тоннадан ортиқ товуқ гўшти ишлаб чиқарилди, — дейди корхона раҳбари Мурод Ражабов. — Бундан ташқари, деҳқончиликни ҳам ривожлантириб, ғалла етиштирдик. «Клаас» русумли комбайнимиз бор. Мақсадимиз корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини қайта тиклаб, тармоқни кўнгилдагидек ривожлантиришдир.

## Мафтункор ранглар олами

***Навоий вилоят шаҳар ва туманларида жисмоний имкониятлари чекланган болалар ўртасида ўтказилаётган анъанавий танлов шундай деб номланган.***

■ У «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган бўлиб, шу кунгача танловда 25 нафар карманалик, 40 нафар хатирчилик ёшлар иштирок этишди. Энди бундай танлов Қизилтепа Конимех, Навоий туманларида ҳам бўлиб ўтади.

Ғолиблар «Мафтункор ранглар олами» танловининг вилоят, кейинчалик эса республика босқичларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

## Ўқувчи яратган фильм

***Шаҳрисабз туман ўқувчилар техник ижодиёти маркази қошидаги кинотўгарак аъзоси Искандар Мустафоев «Сеҳрли ёғду-2007» республика кино-фото фестивалида биринчи даражали диплом ва махсус соврин билан тақдирланди.***

■ Искандар бу йил Шаҳрисабздаги 100-мактабни битираяпти. У суратга олган бадиий фильмнинг юқори баҳоланишига мавзунинг долзарблиги, саҳналаштириш ва тасвирга олишдаги янгича изланишлар сабаб бўлди. Фильмдаги бош қаҳрамон образини 99-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳусан Нурбобоев яратган.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



***Баъзан турли давраларда ёшлар билан Ватан, мустақиллик, миллий ғурур, ўзликни англаш, фаол фуқаролик позицияси ва ҳаётга онгли муносабат ҳақида ҳаяжонли мунозаралар қилишга тўғри келади. Айниқса, ўзликни англашни замонавийликка қарши қўядиган айрим ёшларнинг «доно»лигини эшитиб хафа бўлиб кетасиз. Демак, ҳали улар ўртасида ҳаётга ва тарихга онгли муносабатни шакллантиришда қиладиган ишларимиз кўп экан.***

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

**Публицистика**

**Ш**у жиҳатдан олганда, «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қабул қилинган қарор айни муддао бўлди. Қарорда мақсад аниқ. Хусусан, «... ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш» кўзда тутилган. Бундан ўн олти йил олдин мустақилликка эришган Ўзбекистон давлати бугун жаҳон харитасида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаб турган экан, бу ҳолат қалбимизга эзгулик ва келажакка умидворлик бағишламоқда, ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини кучайтирмоқда. Биз энди эрк ва озодликни, миллий ғурур ва Ватанни, ўзликни англаш ва миллий қадриятларни айрича тасаввур қила бошладик. Ҳар биримизнинг онгу шууримизни юртга эгалик ҳисси қамраб олди. Шундай экан, мустақиллик байрами — барчамизники, бутун халқимизники.

Демак, бу байрамни битта халқ бўлиб нишонлаймиз, Ватанни эса битта халқ бўлиб авайлаб-асраймиз. Шубҳасиз, Ватаннинг куч-қудрати ва келажаги халқнинг бирлигида. Бу бирликка ҳеч ким ва ҳеч қандай куч раҳна солмаслиги керак. Бунга йўл қўймаслик ўзимизга, аввало, ҳар биримизга боғлиқ.

Албатта, истиқлолга эришиш қанчалик қийин бўлса, уни сақлаб қолиш ва авайлаб асраш ундан ҳам машаққатли. Ташқи кучлар таъсиридан ҳеч бир давлат, ҳеч бир халқ кафолатланмаган. Демак, доимо ҳушёр бўлсаккина ютқазмаймиз.

Биз, аввало, ўзимизнинг кимлигимизни билиб олишимиз керак. Инсоният тарихида ёрқин ва ўчмас из қолдирган, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган, ҳамиша диёнатли дунё, Ватан шаъни ва миллат ор-номуси учун курашиб келган халқмиз. Бизнингча, демократия ва замонавийлик ниқобидаги ўзгаларнинг мафкуравий таъсирида бўлган айрим ёшларимизга бу борада гапиришнинг ўзи етарли эмас. Яхшиси, уларга ўтмишни, юртимиз тарихини, жаҳонни ҳайратда қолдираётган бой маънавий, маданий, илмий меросимиз, авлод-аждодимиз тарихини ўргатишимиз керак.

Шубҳасиз, ўзига ишонмай, ўзгалар таъсирига берилганлар ҳақиқатни англашда ҳам адашадилар. Бугун мустақил Ватанимиз ва миллий қадриятлар эъзоз топаётганидан фахрланар эканмиз, бизга қаратилган ҳар қандай асоссиз даъволарни рад этамиз. Чунки биз миллий давлатчиликда адолат мезонларига таянган, ақл-идрокда адолат фалсафасига амал қилган, авлод-аждоди адолат учун курашган, жаҳонга кўплаб адолатпарвар авлиёлар-у алломаларни, донишмандлар-у мутафаккирларни берган доно халқ фарзандларимиз. Биз адолатли жамият қуриш учун курашар эканмиз, қонунчилик асосларини яратишда жаҳондаги илғор тажрибалардан ибрат оляпмиз.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон ҳаммамиз учун муқаддас Ватан, ота-бобомиз ҳоки ётган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Айни чоғда Ватанга садоқат ва миллий ғурур туриш-турмушимизда ва мустақилликнинг моҳиятини англашимизда ҳаётимиз мазмуни бўлиб қолди. Миллий ғурур — Ватан муқаддаслигини англаш воситаси. Миллий ғурур — қалбимиз тўрида юрагимиз билан бирга уриб турган покиза онг. Унинг жозибаси, куч-қудрати чексиз. Уни ақл-идрок бошқаради. Ақл-идрок эса инсонга Тангри томонидан берилган улуғ неъмат. Биз инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, демократия ниқоблари остида турли даъволарни рўкач қилаётганларга ақл-идрокни қарши қўймоқдамиз. Биз ўзгаларнинг ёт қадриятлари, беҳаё турмуш тарзи, сунъий ҳаёт мезонлари деб, ҳеч қачон ўзлигимиздан кечолмаймиз. Миллий ғуруримиз бундай хиёнатга йўл бермайди. Мунофиқлик бизнинг миллатга ярашмайди. Инсон бой ёки камбағал бўлиши, яхши ёки ёмон яшаши мумкин, бироқ миллий ғурурсиз ҳаётнинг мазмуни йўқолади.

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Шунинг учун ҳам шу заминда яшаётган ҳеч бир миллат кишисининг миллий ғурури камситилмайди. Аксинча, бундай ҳиссиёт рағбат топади. Бу, аввало, мустақиллигимизнинг, миллий сиёсатимизнинг ғалабасидир. Қолаверса, давлат ва нодавлат тизимларида, жамиятда қонун устуворлигининг самарасидир. Шубҳасиз, бу фуқаролик жамияти қуришда, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда, миллий давлатчилигимизни янада ривожлантириб ва мустаҳкамлаб боришда кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Мустақилликнинг ўтган йилларида янги жамият қуришда қандай ютуқларга, ижобий ўзгаришларга эришган бўлсак, ҳаммасининг асосида қонун устуворлигини таъминлаш ётибди. Биз мустақил қадам қўйган кунимиздан бошлаб, бугунга қадар бунёдкорлик ишларида ўз кучимизга таяндик. Асло бировга термулмадик, ўзгалардан мадад ёки мурувват кутмадик. Шунга қарамасдан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида, ҳаётнинг турли жабҳаларида дўстлар ҳавас қилиб, душманлар ҳасад қиладиган муваффақиятларни қўлга киритдик. Айниқса, шаҳарларимиз қиёфасини ўзгартиришда, йўллар ва кўприклар қуришда, автотранспортни ривожлантиришда, қишлоқларга чирой бағишлашда, тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклашда, кенг кўламдаги ободонлаштириш ишларида катта ютуқларга эришдик.

Биз мустақиллик йилларидаги дадил қадамларимиз билан фахрланар эканмиз, сўзсиз, бугун жаҳон сиёсат оламида тутган ўрнимиздан мамнунмиз. Биз ташқи дунёга ўз журъатимиз, ақл-идрокимиз, мустақил қадамимиз, обрў-эътиборимиз, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссамизнинг салмоғи билан чиқдик. Бугун жаҳонда бизнинг ўз стратегик шерикларимиз, ишончли ҳамкорларимиз, яқин дўстларимиз, маслакдош биродарларимиз бор. Шунинг учун бизни яккаламоқчи, камситмоқчи бўлиб, турли тамғаларни босмоқчи бўлганлар доғда қолишди.

***Мустақилликнинг ўн олти йиллиги олдидан азиз Ватанни мадҳ этар эканмиз, беихтиёр қалбимизда қувонч, вужудимизни жўшқинлик, ҳаётимизни бахтиёрлик ҳиссиётлари қамраб олмоқда. Истиқлолимизни аждодларнинг мардона руҳи қўллаб, улуғ халқимизнинг қудрати жўш урган сари Ўзбекистонимиз оламни тобора маҳлиё этмоқда. Бундай жозиба юртимизни, халқимизни, тинчлигимизни, насибамизни, бугунимизни ва эртамизни ёмон кўзлардан асрасин.***

**Иброҳим НОРМАТОВ.**

## ҚИШЛОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ

*Қоракўл туманидаги Зоғора қишлоғида янги бир корхона иш бошлади. Тадбиркор Ҳикмат Ашуров банкдан 12 миллион 220 минг сўм кредит олиб, кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи технологияларни харид қилди.*

*Ҳозирда кичик корхона томонидан ўндан зиёд турдаги сифатли қандолатчилик маҳсулотлари аҳолига маъқул нархларда сотилмоқда.*



**СУРАТДА: ишчи Дилором Саъдуллаева.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

# МАРВАРИДЛАР ТИЛЛОГА АЙЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аввало, сифатли хомашё тайёрлаш учун ипак қурти озуқа базаси кенгайтирилди. Биргина жорий йилнинг кўкламида 3167 гектарлик янги тутзорлар барпо этилди. Мавжудлари агротехника тадбирлари асосида парваришланди. 3902 та инкубаторий тўлиқ таъмирланиб, уларда 448,3 минг қути ипак қуртининг "Ўзбекистон-5", "Ўзбекистон-6", "Ипакчи-1", "Ипакчи-2" каби маҳаллий зот ва дурагайлари қаторида хориж уруғлари жонлантирилди. Тармоққа хизмат кўрсатадиган пиллачилик агрономи, инкубист сингари мутахассислар қисқа курсларда ўқитилиб, уларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамланди. Меҳнат шартномаси тузган 394,5 минг нафар пилла боқувчи билан суҳбатлар уюштирилиб, уларга тегишли кўрсатмалар асосида зарур маслаҳатлар берилди. Буларнинг ҳаммаси бугун ўз самарасини берди.

Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳосилдорлик 55 килограммдан ошди. Баъзи илғор пиллачилар эса ҳар қути қурт уруғидан 60-70 килограммдан сифатли пилла топширди. Масалан, Нарпай туманидаги "Пиллакор" фермер хўжалигида 29 қути ипак қуртидан 62,2 килограммдан, жами 1805 килограмм ҳосил олинди. Сирдарё туманилик Гавҳар Аҳмедова икки қути ипак қурти паваришлаб, 145 килограмм пилла етиштирди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда кейинги пайтда одамларда ипак қурти боқишга бўлган иштиёқ бироз пасайганини эслайлик. Бироқ пиллани қайта ишловчи ҳамда пиллани қабул қилувчи корхоналар томонидан звенолар тўшама қоғоз, термометр, психометр, формалин, бўз ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланиб, моддий рағбат ўрнига қўйилгач, бу ишга қизиқиш яна кучайди. Мана исботи: бу йил ҳар бир звеного ўртача 1,1 қутидан ипак қурти тўғри келди. Бўлажак ҳосил ҳақининг 40 фоизи олдиндан бўнак тариқасида тарқатилди. Бухоро вилоятида эса касаначилик асосида меҳнат қилган пиллачилар ҳар кило пиллага 1414 сўмдан нақд пул олдилар. Бу маблағ қайта ишловчи корхоналар ҳисобидан берилди. Андижон ва Самарқанд вилоятларида ҳам белгиланган ҳосилдан ортиқ топширилган пилланинг ҳар килосига тарози бошида 1500 сўмдан тўланди.

Ислоҳот, рағбат ва эътиборнинг натижаси бу. Энди марварид пиллалар қайта ишланиб, тиллага айлантирилади. Яъни "кумуш тола"дан кўзни қамаштирадиган шоҳи атласлар тўқилади. Шу тариқа ўзбек ипакчилигининг довруғи яна етти иқлимга тарала веради.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Юртбошимиз 2005 йил сентябрь ойида Хоразм вилоятида бўлганларида туризм тараққиётида муҳим бўлган омилларга ҳам тўхталиб ўтгандилар. Шунингдек, соҳа ходимлари олдига сайёҳликни тараққий эттиришга доир бир қатор вазифаларни қўйган эдилар. Жумладан, малакали мутахассисларни тайёрлаш, халқаро меъёрлар асосида сайёҳлик маданиятини ошириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш савиясини янада яхшилаш, шу тариқа меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларга бой, цивилизация бешикларидан бири бўлган қадим воҳага хорижлик сайёҳлар эътиборини тортиш лозимлигини таъкидлагандилар.***

# ҚАДИМ ВОҲА САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

**Туризм**

Мана, орадан салкам икки йил вақт ўтди. Хўш, соҳада қандай ўзгаришлар юз берди, қандай ютуқларга эришилди? Мавжуд муаммолар ечимини топдими?

Шу давр мобайнида туризм соҳасидаги мавжуд ташкилот ва фирмалар сони ортганини айтиш керак. Меҳмонхоналар аввалги йилларга нисбатан икки баробар кўпайган. Бир кунда минг нафарга яқин сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. Ўтган йили 30 минг 700 нафар сайёҳга 1 млрд. 399 млн. сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, бу йил 41 мингдан ортиқ сайёҳларга 2 млрд. сўмлик хизмат кўрсатиш режалаштирилган. Ҳозирда вилоятга дунёнинг 79 та давлатидан сайёҳлар келиб кетаяпти.

Шу йил Самарқанд, Урганч шаҳарларига 8 та чартер авиақатновлари ташкил этилди. Бу европаликларнинг юртимизга қизиқиши ортиб бораётганлигидан далолатдир.

— Юртбошимиз туризм коллежини очиш вазифасини ҳам олдимизга қўйган эдилар, — дейди Урганч туризм коллежи директори Ўктам Юлдашев. — Мана бир йилдан ошдики, у фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда бу ерда туристик хизматлар, ресторан, меҳмонхона бизнесини ташкил этиш, халқаро бизнес, менежмент ва бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича 470 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўша учрашувда янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш вазифасини ҳам ўртага ташлагандилар. Бу борада ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жумладан, тарихчи олимлар билан ҳамкорликда Антик Хоразм йўналиши ишлаб чиқилди. У Ҳазорасп қалъаси ва Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа, Хўжайли туманларидаги ўнлаб қадимий қалъа ёдгорликларини қамраб олади. Ушбу йўналиш «Хоразмнинг олтин ҳалқаси» деб номланди.

Белгилаб берилган яна бир муҳим вазифа — ишчи-ходимларнинг чет элларда тажрибаси ва малакасини оширишдан иборат эди. Шу кунгача вилоятдан 6 нафар ходим Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатларда сайёҳлик бўйича малака ошириб қайтди. Шу йилнинг охиригача яна икки нафар ходим чет элларга тажриба ўрганиш учун юборилади.

Аммо бу соҳада ҳануз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Вилоят минтақавий бўлими ходимлари улардан кўз юмиб бўлмаслигини айтиб, таклифларини ҳам билдирдилар.

Ҳозирги кунда сайёҳларни олиб юриш учун баъзан талабга жавоб берадиган автобусларни бошқа жойлардан чақиртириш ёки ижарага олишга тўғри келмоқда. Натижада бу бироз ноқулайлик туғдираяпти. Тўғри, замонавий автобуслар юртимизда ишлаб чиқарилаяпти. Лекин улар кичкина, 20 нафар йўловчига мўлжалланган. 40-45 ўриндиқли, сайёҳларга хизмат қиладиган даражада жиҳозланган автобусларга эҳтиёж катта. Яна бир гап. Дунёда очиқ осмон остидаги музей деб тан олинган, 26 гектарлик майдонни эгаллаган. «Ичон қалъа» музей қўриқхонасининг бирор жойида туристлар халқаро банк пластик карточкаларидан фойдаланишлари учун банкомат хизмати ўрнатилмаган. Агар банклар томонидан шу масала ҳал этилса, валюта тушими янада ортарди. Музей қўриқхонасида сайёҳларга тиббий хизмат кўрсатиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим. Чунки яқин ўртадаги врачлик пункти 7 км. узоқликда жойлашган. Шунингдек, қўриқхонадаги Хива туристик сайр мажмуасида сув ва газ таъминотида узилишлар учраб туради. Мазкур кўнгилсизликлар нозиктаъб сайёҳларни ранжитиши табиий. Шу боис бундай ҳолатларга йўл қўйиш асло мумкин эмас. Яна бир масалани айтиб ўтиш зарур. Хивада овқатланиш шохобчалари кўп. Лекин улардаги санитария ҳолати талабга жавоб беради, деб бўлмайди.

Ҳа, камчиликлар, муаммолар бор. Лекин улар яқин орада бартараф этилишига шубҳа йўқ. Кези келганда таъкидлаш жоизки, туризм даромад манбаи бўлибгина қолмасдан, дунёда юртимиз шон-шуҳратининг ортишига ҳам хизмат қилади. Шуни доим ёдда тутмоқ лозим.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ПОКИСТОН НАШРЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ

***Покистоннинг Кветта шаҳрида «Бэлужистан Тудэй» («Balochistan Today») журналининг Ўзбекистон Республикасига бағишланган махсус сони чоп этилди.***

**Дунё нигоҳи**

«Ўзбекистон — кўҳна цивилизациялар мамлакати» сарлавҳали мақолада юртимизнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Ўзбекистонда қадимий ёдгорликларни, ўзбек халқининг маданий-тарихий ва диний меросини кўз-қорачиғидай асраб-авайлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланади. Шунингдек, мамлакатимизда қадимий шаҳарлар, буюк олим ва мутафаккирлар, давлат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар юбилейларини кенг нишонлаш яхши анъанага айланиб қолгани журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

«Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида ЮНЕСКО шафъелигида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик, Қаршининг 2700 йиллик, буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг 660-йиллик, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва инсоният цивилизацияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бошқа кўплаб атоқли алломаларнинг юбилейлари нишонланди», деб ёзади «Бэлужистан Тудэй».

Журнал ҳозирги пайтда Ўзбекистон кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги ҳамда хорижий давлатлар билан ўз халқи фаровонлиги ва гуллаб-яшнашига, тенг ҳуқуқлилик ва ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ўрнатишга йўналтирилган мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бораётганини қайд этади.

«Ўзбекистон: ислом меъморчилиги» сарлавҳали мақолада Ўзбекистон ҳудудида мусулмон оламининг жуда машҳур ва эъзозли иншоотлари бунёд этилгани ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива шаҳарларидаги тарихий ёдгорликлар тафсилотлари атрофлича қаламга олинган.

Таъкидлаш жоизки, нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси бўйича ўз гўзаллиги ва улуғворлиги билан ҳамон дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келаётган қадимий ёдгорликларни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганлиги масаласига алоҳида эътибор қаратган. Яқинда ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлайдиган қадимий Самарқанд шаҳри ҳамда табаррук Ўзбекистон заминида яшаган ва ижод қилган буюк алломаларга бағишланган мақолалар ҳам журналдан муносиб ўрин олган. Булардан ташқари, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари ҳамда республикамизда жорий йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар, яъни Ўзбекистондаги ижтимоий ҳимоя тизими ҳақидаги мақолалар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Шу билан бирга, Пешавор университети ҳузуридаги Минтақавий тадқиқотлар (Россия, Хитой, Марказий Осиё) маркази муассислигида чоп этиладиган «Марказий Осиё» номли таҳлилий тўпламда ҳам мамлакатимизга бағишланган қатор мақолалар эълон қилинди.

Ушбу марказ 1975 йилдан буён фаолияти кўрсатади. У Россия, Хитой ва Марказий Осиёда рўй бераётган жараёнлар таҳлилига холис ва ҳаққоний ёндашадиган тадқиқот маркази сифатида ном қозонгандир.

2007 йилнинг 3 январида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Президент Ислом Каримовнинг Сингапурда чоп этиладиган «Today» газетаси мухбирига берган «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон» сарлавҳали интервьюси матни, Ўзбекистон ва Покистон муносабатлари ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Покистон — Ўзбекистоннинг Жанубий Осиёдаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири» сарлавҳали мақолалар ана шулар жумласидандир.

**Ш**унингдек, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиёти, иқтисодиёт ривожи, Марказий Осиёда амалга оширилаётган иқтисодий жараёнлар таҳлилига оид ҳамда Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилингани мавзусига бағишланган мақолалар ҳам ушбу тўплам саҳифаларидан ўрин олган.

**«Жаҳон» АА.**

Исломобод.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Кимё заводида портлаш

***Хитойнинг «Хубей Йихуа Чемикал Индустри Ко.» кимё заводида кучли портлаш рўй берди.***



Маълумотларга кўра, портлаш оқибатида 23 киши ҳалок бўлган.

Мазкур корхона аммиак ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳаллий ҳукумат вакилининг билдиришича, жароҳатланганлардан бирининг аҳволи оғир. Айни пайтда портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

## Тан олмоқчи эмас

***Сербия бош вазири Воислав Коштуница АҚШ президентининг Косово мустақиллиги бўйича Албаниядаги чиқишини танқид қилди.***



Серб ҳукумати раҳбари миллий телевидение орқали гапириб, Белград Косово мустақиллигини тан олмаслигини айтди. Косово мустақиллигини бирёқлама қўллаб-қувватлаш АҚШ учун навбатдаги хато бўлиши мумкин, деди у.

Косово масаласи «катта саккизлик» мамлакатлари раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашувда ҳам муҳокама этилганди.

## Қитъалараро савдо



**Канаданинг йирик «Брукфиельд Ассет Мэнежмент Инк.» (БАМ) инвестиция компанияси Австралиянинг «Мультиплекс Груп» қурилиш компаниясини 6,16 млрд. долларга сотиб олиш истагида.**

**Айни пайтда «Мультиплекс Груп» директорлар кенгаши ҳам бу таклифни қўллаб-қувватламоқда. Агар келишувга эришилса, БАМ «Мультиплекс» қурилиш компаниясининг камида 50 фоиз акциясини қўлга киритади.**

## Учувчилар омон қолишди

**АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг F-15 қирувчи самолёти Аляска осмонида бошқа бир қирувчи самолёт билан тўқнашиб кетди. Маълумотларга кўра, иккинчи ҳаво лайнери осмонда тайёргарлик машқларини ўтаётган эди.**

**Иккала самолёт учувчилари ҳам ерга сакрашган. Улар олган тан жароҳатлари туфайли госпиталга ётқизилди.**



## Сел келтирган фожиа

**Бангладешда рўй бераётган табиий офатлар оқибатида аҳоли жиддий зарар кўрмоқда. Ҳафта бошидаги сел келиши 87 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Яна шунча одам оғир жароҳат билан шифохонага ётқизилди.**

**ИТАР-ТАСС маълумотларига кўра, бедарак йўқолганлар сони юздан ошиқ. Метеорология хизмати хабарида айтилишича, ёғингарчиликнинг давом этиши вазиятни янада жиддийлаштириши мумкин.**

## Тўқнашувлар давом этмоқда

***Фаластинда ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасида яна тўқнашув рўй берди. Отишмалар оқибатида 14 киши ҳалок бўлди.***




«Рейтер» агентлигининг хабарига қараганда, Фаластин мухторияти бош вазири Исмоил Ҳония йиғилиш ўтказаётган бинога ҳам ҳужум уюштирилган. Хавфсизлик нуқтаи назаридан мажлис тўхтатилган.

Эслатиб ўтамиз, кейинги бир ойда ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида элликдан зиёд кишининг ёстиғи қуриди.

## Кема таъмирга муҳтож

***NASA Миллий аэрокосмик агентлиги астронавтлари Жон Оливас ва Жим Рейли очиқ космосдаги илк ишларини муваффақиятли якунлашди.***



**Бундан ташқари, «Atlantis» шаттли экипажининг аъзолари яна уч марта станциядан ташқарига чиқишлари керак. Уларга кемада ҳосил бўлган тирқишни беркитиш биринчи вазифа қилиб топширилди. Таъмирлаш ишлари 15 июнга белгиланди.**

**Эслатиб ўтамиз, «Atlantis» шаттлининг парвози 11 кун давом этади. Шу йил 19 июнь куни кема Ерга қайтади.**

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



# Шунчаки яшаб бўлмайди

***Жўраси унга гапнинг пўскалласини айтди:***
***— Иссиқ-совуқ маросимларни демаса, Жўлангарга ҳам оёғингни узиб-узиб келасан-а? Бизам соғинамизда сени. Кўргимиз келиб Янгиерга боргудек бўлсак, идорадан топиб бўлмайди. Бирда мактаб, бирда коллеж қурилишида юрибди, дейишади. Гапларимни гина деб ўйлама. Танишу нотанишларга кўп яхшиликлар қилган одамсан. Ховосу Боёвутда, Гулистону чўлларда катта-катта бинолар бунёд этяпсан. Эшитиб ўзимизча суюниб қўямиз. Қишлоғимиз чоллари қабристонни тузатиб берди, дарвоза ясатди, дея нуқул дуо қилади. Лекин туғилиб ўсган жойларга ҳам тез-тез келиб туриш керак.***

Қаҳрамон Сулаймонов унга жавобан кулиб қўяди. Унинг жавоби шу. Чунки ишга шўнғиган одам эканлигини ўзиям билади.

Эсида, ўтган йилнинг қишида озиб-ёзиб қишлоқдан синфдош жўралари келадиган бўлди. Ўзи бозор-ўчар қилди. Сўнг турмуш ўртоғи Гулсарага гап уқтирди:

— Меҳмонхонага жой қил. Бир оёқни ёзиб ўтирайлик. Ишга бораман-у, тушга қолмай етиб келаман.

Гулсара кулимсиради. Шу ҳолатда ишончсизликнинг билинар-билинмас излари бор эди. Қаҳрамон Сулаймонов ана шуни илғаб қош чимирди.

— Икки йил бурун ҳам улар келишганда боплагандингиз... Ўзлари ўтириб, ўзлари туриб кетишганди. «Келин, сиз хафа бўлманг, мазза қилдик. Яйрадик. Паловхонтўрани ҳам ўрмалатиб юборибсиз...» дея тилларидан бол томгани билан ич-ичларидан хафа бўлишганини сезганман. Бу гал улар соат бешда келишса, сиз учга етиб келинг. Жилла бўлмаса тўртдан кечикманг...

— Тушгача келаман, дедимми, келаман. Сен дастурхонни безайвер.

Қош қораяр-қораймас меҳмонлар келишди. Улардан бири бир қоп исириқ кўтариб олганди. Яна бирининг қўлида ярим қоп Жўлангарнинг беш юлдуз олмаси.

... Бу пайтда Қаҳрамон Сулаймонов ва у раҳбарлик қилаётган «Электромантаж» хусусий корхонасининг бош муҳандиси Эшмамат Ғойибназаров Тошкентдан келган геология идорасининг мутахассислари билан Боёвут туманидаги эндигина қурилиши бошланган касб-ҳунар коллежининг вагон уйчасида ўтиришарди. Пойтахтдан келганлар ҳақиқий аҳволни очиқ-ойдин айтишди:

— Пойдеворнинг тупроқ қатлами юзлаб тонна юкни кўтара олмайди. Ўзларингдан қолар гап йўқ. Ҳудудларинг сейсмик хавфли зона ҳисобланади. Коллеж пойдевори беш йил чидар, борингки, ўн йил чидар... Аммо қачондир барибир панд беради. Бизнинг хулосаларимиз мана шу ҳужжатларда бирма-бир кўрсатилган.

Қаҳрамон Сулаймонов ўтириб ўйлади. Туриб ўйлади. 2,2 миллиард сўмлик бинони тупроқ қатлами бўш бўлган жойга қуриб бўлмайди. Ўша қатламни мустаҳкамлаш керак. Бино битгач, бу ерда 700 нафардан кўпроқ ўқувчи билим олади. Ниҳоят, у бир қарорга келди.

Бироқ меҳмонлар билан фикр алмашиш, тахминий чизмаларни қоғозга тушириш узоқ давом этди.

— Харажатдан қочмаганингиз яхши бўлди. Ҳамма ҳам бундай ишни қилавермайди. Баъзилар «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш юритади. Юз тонна арматура, 60-70 тонна цемент лўқиллаб турган ярага нақд малҳам бўлади...

Йўл. Машина масофа танобини тортиб бораяпти. Олисдан Янгиер шаҳрининг чироқлари «милт-милт» қилади.

— Эшмамат ака, гапиринг! Нега жимсиз?

— Шунча харажат-а? Айтишга осон! Ўзимиз кўрадиган фойда ҳисобидан бўлмаганда ҳам майли эди...

— Харажатни ўйлаяпсиз, болаларни-чи?.. Коллеж биносини-чи? Бу бинолар юз йиллар давомида одамларга хизмат қилиши керак.

У Эшмамат Ғойибназаровнинг тилига чиққан дард омонат эканлигини яхши биларди. Бугун бўлмаса, эртага худди ўзи айтган таклифни мана шу муҳандис айтишини ҳам ич-ичидан сезарди.

— Самарқанду Бухоро, Тошкенту Хивадаги қадимий иморатларни кўз олдингизга келтиринг. Асрларнинг тинкасини қуритди улар. Ҳалигача худди кеча қурилгандек қад кериб турибди... Енилғи-мойлаш материалларини тежаймиз. Электр энергиясию транспорт харажатларини билиб ишлатамиз. Тежамкорлик харажатни қоплаб кетади. Мана, мени айтди, дерсиз...

...Меҳмонлар аллақачон жўнаб кетишганди. Болалар ҳам ухлаб қолибди. Фақат Гулсарагина куймаланиб юрарди. Бир-бирларига бир фурсат тикилиб туришди. Хотини лаб тишлаб, бош чайқади. Қаҳрамон Сулаймонов... илжайди.

— Айбимизни ювамиз. Жўлангарга борамиз. Жўраларнинг барини қирга таклиф қиламан. Кўрасан, улар хурсанд бўлиб кетишади...

### Сени яхши кўраман, ҳаёт!

Янгиер шаҳридаги «Электромонтаж» хусусий корхонасида йигирмага яқин миллат фарзандлари меҳнат қилишади. Ана шу аҳил жамоа фақат кейинги уч йил ичида салкам 6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини адоғига етказди. Корхонада пайвандлаш, таъмирлаш ва мебелсозлик цехлари ишлаб турибди. Ошхонаю дам олиш хоналарини гапирмаса ҳам бўлади.

Яна бир гап. Қаҳрамон Сулаймонов — бундай қараганда қовоғи солиқ одам. Бироқ жамоадаги одамларнинг яхши кунларида у шунақаям яйраб кетадики, аста қўяверасиз.

— Ўзимиз қурган мактаб, коллеж биноларини айланиб ҳузур қиламан. Синфхоналарга кириб ўтираман, — дейди у. — Шкафу шифаньерларни ушлаб-ушлаб кўраман. Иситиш тармоқларини кўздан кечираман. Деразаларга қараб чиқаман. Ана шундагина қурувчиларимизнинг ишидан кўнглим тўлиб, ўзимча яйрайман. Ўзимча хурсанд бўламан. Қандайдир иш қилаётганлигимиз, кишиларнинг биздан хурсанд эканлиги кўнглимни тоғдай кўтаради...

Сулаймонов ўзлари қурган биноларни юз йиллар давомида қад ростлаб, бўй кўрсатиб туришини орзу қилади. Ана шу биноларда юзи ёруғ, кўнгли ёруғ инсонларнинг кулгулари жаранглаб туришини ният қилади.

Буни гўзал орзу, дейдилар. Зеро, энг улкан ишлар ҳам гўзал орзулардан бошланади. Гўзал орзулар, покиза ниятлар эса одам боласини қўлидан етаклаб юради. Шундай эмасми?

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Солиқ

# Ҳуқуқини билган адашмас

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Жиззах вилоятида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссияси аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман назорат идоралари вакиллари, шунингдек, тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ёш оила аъзолари иштирокида семинар ўтказилди.***

Унда Президентимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг ижроси вилоят мисолида таҳлил қилинди. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш борасида бажарилган ишлар танқидий муҳокама этилиб. Бу борадаги ишларни жонлантириш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қилинажак ишлар бўйича келишиб олинди, бу борада белгиланган солиқ имтиёзлари тўғрисида маълумот берилди.

**ДСҚ Ахборот хизмати.**

# Сувни исроф этманг

***Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, кўклам серёғин келганига қарамай, айрим ҳудудларда сув тақчиллиги сезилаётир.***

Сувни тўғри тақсимлаш ва ундан оқилона фойдаланиш — муҳим вазифа. Қуйисирдарё сув ҳавзалари бошқармаси Давлат сув назорати билан ҳамкорликда ташкил этган семинар шу мавзуга бағишланди.

— Сувдан фойдаланувчиларда мазкур ресурслардан оқилона фойдаланиш маданиятини янада юксалтириш бугуннинг муҳим вазифаларидандир, — дейди Давлат сув назорати инспекцияси Жиззах вилояти бўйича инспектори Жўра Қораев. — Жойларда сув исрофгарчилигига барҳам бериш, ирригация ва мелиорация тармоқлари ишини такомиллаштириш, бунинг учун насос станциялари фаолиятини ҳам янада яхшилаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари вакиллари иштирокида ўтган семинарда ушбу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Сув исрофгарчилигига йўл қўймаган ҳолда экинларни суғориш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**
**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
**- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
**- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
**- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
**- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
**- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.**
**Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

# Хонадонда паррандачилик фабрикаси

***Тўрақўрғондаги ҳар бир қишлоқда оилавий бизнеснинг ўз йўналиши бор. Шаҳандда ҳунармандчилик, Хўжандда узумчилик, Бураматутда гилос етиштириш, Саройда сабзавотчилик кенг йўлга қўйилган.***

Кужронлик Маҳмуджон Қорабоев эса ўз ҳовлисида мўъжазгина паррандачилик фабрикаси ташкил этди. 1100 бош зотли товуқ парваришланаётган бино механизациялаштирилган. Даромадга барака киритаётган хайрли ишда Маҳмуджонга укалари Муҳторжон, Анваржонлар яқиндан ёрдам беришяпти. Қишлоқдаги савдо шаҳобчаларини тухум билан таъминлаётган бу оиладан ўрнак олган «Абдулҳай Жўрабоев» фермер хўжалиги ўзининг асосий фаолияти қаторига паррандачиликни ҳам киритди.

**Абдулла ҒОЗИЕВ.**

***Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банкларнинг алоҳида ўрни бор. Хусусан, «Ипотекабанк» жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шу орқали товар ишлаб чиқарувчилар, яъни мулкдорлар синфини вужудга келтириш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли товарлар билан тўлдириш йўлида хизмат қилмоқда. Бу бежиз эмас.***

IPOTEKA BANK

# ФЕРМЕРЛАРГА ЕЛКАДОШМИЗ

Сабаби — йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда, кам сармоя талаб қиладиган ва турли ўзгаришларга тез мослаша оладиган кичик ва хусусий бизнес субъектлари маҳсулот турларини янгилаш ҳамда бозор конъюктурасининг бекарорлигига тез мослаша олади.

*Бугунги кунда республикамизда 190 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда салкам 1,4 миллион киши иш билан банд*

Бундан ташқари, мазкур банк асосий эътиборни халқ хўжалигининг асосий секторларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалик соҳасига қаратмоқда.

— Фермер хўжаликларининг моддий техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун 167 та корхонага 2,8 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди, — дейди банкнинг қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва кредитлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Азиз Муҳитдинов. — Натижада улар 11 та ғалла ўриш комбайни, 32 та «ТТЗ-80» русумли трактор, 46 дона культиватор, 14 дона сеялка, 8 дона ОВХ, 14 дона «МТЗ-80», икки дона «ВТ-150» ҳайдов тракторларига эга бўлишди. — Албатта, биз бу билан чекланиб қолганимиз йўқ. Жумладан, жорий йилда қўшимча равишда яна 35 та фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик техникалари харид қилишлари учун салкам 1,5 млрд. сўмлик кредит маблағлари берилди. Айни пайтда банк томонидан Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ушбу қарорга мувофиқ, республикамизда фаолият кўрсатаётган 7 та агрофирма ва юздан ортиқ фермер хўжаликларига доимий равишда имтиёзли кредит маблағлари ажратилаяпти, уларга иқтисодий аҳволларини ўнглаб олишлари учун назорат тартибида амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили агрофирмаларнинг учтасига мева-сабзавотларни етиштириш ва қайта ишлаш учун 42 миллион сўмдан зиёдроқ миқдордаги кредит маблағлари берилди.

*2000 йилда республикамиз бўйича етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи, ғалланинг 15 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич мутаносиб равишда 86 ва 75 фоизни ташкил этди*

«Ипотека-банк» фермер хўжаликларини кредит маблағлари ва қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлабгина қолмай, балки уларнинг замонавий технологияларга эга бўлишлари учун ҳам ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда бултур банк «Ўзбекистон агроминитех Экспо-2006» халқаро кўргазмасида иштирок этди. Пировардида, мазкур тадбир давомида фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини технологиялар харид қилишлари учун 1,2 млрд. сўмлик шартнома ва аҳдлашув битимлари имзоланди. Ҳозиргача эса умумий қиймати 375 млн. сўмлик 11 та лойиҳа молиялаштирилди.

*«Ипотекабанк» қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва фермер хўжаликларини тараққий эттириш мақсадида жорий йилнинг ўтган ойларида 3500 дан ортиқ фермерга 12,5 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги имтиёзли кредит маблағлари ажратди*

Шу билан бирга, банк жорий йилнинг 5 – 14 май кунлари ўтказилган «Ўзбекистон агроминитех Экспо-2007» кўргазмасида ҳам муваффақиятли қатнашиб, мини технологиялар харид қилиш юзасидан дунёнинг кўзга кўринган фирмалари билан шартномалар тузишга эришди. Бугунги кунда, ана шу ҳужжатларни лойиҳалаштириш ва молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Ипотекабанк» жамоаси келгусида ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларга ўз ҳиссасини қўшаверади.

**Усмон УСМОНОВ.**






***Бундан 70-80 йилча муқаддам Наманган шаҳридан бир неча юз метр нарида гиёҳ битмас адирликлар ястаниб ётар, унга биров қадам босмас эди. Айни чоғда, вақти-соати етиб бу ерлар гўзал ва хушманзара оромгоҳга айланажагини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Йиллар ўтиб, катта Наманган канали қурилиши муносабати билан ўша адирликлар боғ-роғлари, кўп қаватли турар-жой бинолари мавжуд гўзал ва сўлим гўшага айланди. Айниқса, у ердан инсон саломатлиги учун жуда зарур шифобахш минерал сув отилиб чиқиши нур устига нур бўлди.***

Тиббиёт

# «ОРОМБАХШ ГАЗЧИ» ШИФО БАХШ ЭТАДИ

Каналдан ўтишингиз биланоқ катта йўл ёқасидаги мевали ва манзарали қалин дарахтлар орасида қад ростлаган уч қаватли кўркам иморат дарвозаси пештоқидаги «Оромбахш газчи» санаторий-профилакторийси» деган ёзувга кўзингиз тушади. Икки томонига токлар тараб қўйилган ишком остидан юқорига юрсангиз, соя-салқин ўриндиқларда суҳбат қуриб ўтирган кексалар ва ёшлар эътиборингизни тортади. Муҳташам бинонинг ойнаванд эшигидан ичкарига кирганингиз ҳамона оқ халатли навбатчи истиқболингизга пешвоз чиқади. У сизни эҳтиром билан кутиб олиб, гилам-поёндоз тўшалган зиналардан юқори қаватларга бошлаб чиқади. Икки кишига мўлжалланган озода-шинам оддий ва люкс хоналар ҳавасингизни келтиради. Шунда қалбингизда беихтиёр бу ерда бир неча кун ҳордиқ чиқариш ва даволаниш истаги туғилади. Ўнг томонидаги икки қаватли бинода шифобахш сув ва физик муолажалар амалга оширилишини эшитганингиздан сўнг бу фикрингиз янада қатъийлашади.

Сиҳатгоҳнинг уч қаватли бош биноси бир вақтлар газчилар шифохонаси бўлган. Кейинчалик республика нефть ва газ тармоғи ходимларининг санаторий-профилакторийсига айлантирилган. 1986 йили бу ерда қудуқ қазиш ишлари олиб борилиб, 1800 метр чуқурликдан шифобахш маъданли сув чиқарилади. Бироқ даво масканини маблағ билан таъминлаш мушкул аҳволга тушиб қолгач, у ўз фаолиятини тўхтатади. Қаровсиз қолгани сабабли давр ўтиши билан деворлари нураб, таъмирталаб ҳолатга келиб қолади. Узоқ давр «Намангангаз» бирлашмасининг бошлиғи бўлиб ишлаган Зоҳиджон Тожибоев собиқ оромгоҳни қайта тиклаш ташаббуси билан чиқади. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли тез орада уч қаватли бино бошдан-оёқ таъмирланди. Ён атрофига кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Натижада санаторий аввалгидан-да сўлимроқ саломатлик масканига айланди.

— Сиҳатгоҳимиз 80 ўринга мўлжалланган, — дейди бош шифокор Рустамжон Холбоев. — Бу ерда кенг профилли даволаш ишлари йўлга қўйилган. Ўта минераллашган сувнинг бир литри таркибида 10 миллиграмм йод ва 25 миллиграмм бром бор. У инсон танасидаги моддалар алмашувини, мия, юрак, қон томирлари фаолиятини яхшилайди. Қондаги холестерин моддасини камайтириб, уни суюлтиради. Шунингдек, одамнинг иммунологик тизимига ижобий таъсир кўрсатиб, иммунитетини кучайтиради. Шифобахш сувнинг буйрак, жигар, радикулит, остеохондроз, қораталоқ касалликларига ҳам фойдаси катта. Йод ва бромли ванна тери, урологик, гинекологик касалликларни даволашда қўл келади.

Оромгоҳда замонавий электр аппаратлар ва лазер нурлари ёрдамида физиотерапия усули, шам ва балчиқ билан ҳам муолажалар ўтказилади. Шунингдек, игна билан даволаш, ошқозон-ичакларни маъданли сув воситасида ювиш, сув остида уқалаш, мануал терапия сингари муолажалар амалга оширилади.

Санаторий-профилакторий 2005 йили масъулияти чекланган жамият мақомини олгач, унинг довруғи янада ошди. Мамлакатимизнинг турли



вилоятларидан даволаниш ва дам олиш мақсадида келаётганлар сони ортди. Охирги пайтларда бу ерга йилига 1800 дан зиёд киши келиб кетмоқда. Уларнинг аксариятини Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятлари газчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ташкил этади. Мижозларга Рустамжон Холбоев бошчилигидаги Клара Исматова, Неъматжон Муродов, Собитхон Раҳмонов сингари шифокорлар, Манзура Қориева, Сарбархон Иброҳимхўжаева, Муҳайё Мамажонова каби ҳамширалар сидқидилдан хизмат кўрсатишмоқда. Даъволанувчилар сиҳатгоҳда яратилган қулай шароитлардан, муолажалар натижаларидан ва ходимларнинг самимий муносабатларидан беҳад мамнун бўлишмоқда. Мана, улардан айримларининг сўзлари.

**Ориф Боймуродов (Қашқадарё вилояти, Косон тумани):**

*— Кўп йиллардан буён эр-хотин иккимизнинг таянч аъзоларимиз қаттиқ оғрир эди. Бу ерга келиб, сув остида уқалаш, ванна, парафин ва игна билан даволаш муолажаларини бир неча бор қабул қилганимиздан сўнг ўзимизни жуда яхши ҳис эта бошладик. Бизга шифохона ходимларининг хушмуомалалиги, ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари ҳам маъқул бўлди. Уйимизга қайтгач, ҳамқишлоқларимизга бу сиҳатгоҳнинг афзалликлари ҳақида албатта гапириб берамиз.*

**Қадрия Камолова, педагогика фанлари номзоди (Тошкент шаҳри):**

*— Авваллари Наманган шаҳрида «Оромбахш газчи» соғломлаштириш маскани борлигини эшитгандим. Лекин бирор марта ҳам унда бўлмагандим. Қаттиқ бош оғриғи хасталигига дучор бўлгач, «Бир бориб кўрай-чи!», дея йўлга отландим. Яхши қилган эканман. Физиотерапевтик муолажалардан сўнг бошимдаги сурункали оғриқ йўқолди. Асабларим жойига тушди. Бу жойнинг табиати ва ҳавоси ҳам бетакрор. Менга, айниқса, тиш қўйиш ва даволаш, сартарошлик, сауна ҳамда савдо-сотиқ каби қўшимча хизматлар йўлга қўйилгани жуда манзур бўлди. Насиб бўлса, йилнинг охиригача яна шу ерга келиб, даволанаман. Юртдошларимизни ўз юртимиздаги мана шундай шифо масканларининг қадрига етишга ундайман.*

Шуниси эътиборлики, сиҳатгоҳга оилавий бўлиб келиш ҳам мумкин. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит муҳайё этилган. Биз оилавий бўлиб даволанаётганлар билан суҳбатлашганимизда, улар ниҳоятда мамнун эканликларини билдиришди. Иложи бўлса, ўзларига ўхшаганларга тиббий хизмат кўрсатишни янада кенгайтиришни таклиф қилишди.

— Мижозларимизнинг истаги жуда ўринли, — дейди «Оромбахш газчи» санаторий-профилакторийси масъулияти чекланган жамияти раиси Зоҳиджон Тожибоев. — Чунки кейинги вақтларда сиҳатгоҳимизга оилавий бўлиб келувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида анчадан буён бўш ётган икки қаватли коттеж биносини қайта реконструкция қилаяпмиз. Ҳозир суваш ва оқлаш ишларини олиб бораяпмиз. Унда оилавий дам олиш учун зарур шароитлар яратилади. Бир вақтнинг ўзида 8 оила ҳордиқ чиқарадиган иншоот шу йил июль ойи охиригача фойдаланишга топширилади. Масканимизга якка тартибда ва оилавий бўлиб келувчилар қўшимча маълумотларни 226-96-32 ва 237-37-23 рақамли телефонлар орқали билиб олишлари мумкин.

«Саломатлик — туман бойлик», дейди халқимиз. Соғлиғингиз ёмонлашса, марҳамат, Намангандаги «Оромбахш газчи» санаторий-профилакторийсига келинг. Бу ерда дардингизда албатта шифо топасиз. Уйингизга жисмонан соғлом, руҳан бақувват бўлиб қайтасиз.

**Эркин ҚАМБАРОВ,**
**журналист.**



СУРАТЛАРДА: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.
**Тошпўлат САИДАҲМЕДОВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 12 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1059,77 | 1 Исландия кронаси | 19,66 | 1 Швейцария франки | 1020,41 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2481,25 | 1 Канада доллари | 1187,42 | 1 ЕВРО | 1684,28 |
| 1 Дания кронаси | 226,31 | 1 Хитой юани | 164,53 | 10 Жанубий Корея вони | 13,54 |
| 1 БАА дирҳами | 343,53 | 1 Малайзия ринггити | 365,00 | 10 Япония иенаси | 103,76 |
| 1 АҚШ доллари | 1261,63 | 1 Польша злотийси | 439,62 | 1 Россия рубли | 48,56 |
| 1 Миср фунти | 221,83 | 1 СДР | 1902,35 | 1 Украина гривнаси | 249,83 |
| | | 1 Туркия лираси | 938,57 | | |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


***Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ**

**ёнилғи-мойлаш материаллари сифатини аниқлайдиган қуйидаги лаборатория жиҳозларини етказиб бериш бўйича тендер муддати 2007 йил 12 июндан 12 июлгача узайтирилганини эълон қилади:**

- **ПОЗ-Т асбоби**
- **Сув ва чўкинди борлигини аниқлайдиган 6 ўринли центрифуга**
- **Ёпиқ тигелда чақнаш ҳароратини аниқлайдиган аппарат**
- **Очиқ тигелда чақнаш ҳароратини аниқлайдиган аппарат**
- **Нефть маҳсулотларининг ёпишқоқлигини автоматик ўлчайдиган асбоб**
- **Оч рангли нефть маҳсулотлари таркибидаги қатрон (смола)ни аниқлайдиган аппарат**
- **Нефть маҳсулотлари фракцион таркибини аниқлайдиган қўл аппарати**
- **Нефть маҳсулотлари фракцион таркибини аниқлайдиган автоматик аппарат**
- **Нефть маҳсулотлари зичлигини ўлчайдиган автоматик асбоб**
- **Ёнилғидаги октан ва цетан сонини аниқлайдиган аппарат**
- **Бензин сифатини аниқлайдиган портатив, кўп функцияли анализатор**
- **Нефть маҳсулотларини тезкор (экспресс) таҳлил қилиш учун кўчма лаборатория тўплами**
- **Октан сонини аниқлайдиган ИДТ-90 қурилмаси**
- **Октан сонини аниқлайдиган УИТ-85М қурилмаси**
- **Ёпишқоқликни аниқлаш учун ЛАБ-ТЖ-ТС-01НМ термостати**

**Тендер ҳужжатларини олиш учун 75 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.**

***Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 12 июль соат 12.00 гача.***

***Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.***


## КИЧКИНТОЙЛАР ДАМ ОЛМОҚДА

***Айни кунларда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган "Нилуфар", "Автомобилчи" ва пойтахтимиздаги "Гулбаҳор" оромгоҳларида 800 нафарга яқин ўғил-қиз мириқиб дам олмоқда.***

Бу оромгоҳларда болаларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Ётоқхоналар, тиббиёт ва дам олиш хоналари, чўмилиш ҳавзаси ва спорт майдончалари болаларнинг ёзги таътили олдидан сифатли таъмирланди. Оромгоҳларга Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан қарийб 18 миллион сўмлик спорт жиҳозлари олиб берилди.

Мавсум давомида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган минг нафарга яқин пойтахтлик ўғил-қизга йўлланмалар имтиёзли нархларда берилади.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**


***Ҳурматли юртдошлар!***
***Давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки сизларга пластик карточка — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!***

**«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — БУ:**

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 14%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.




**БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**Миллий валютадаги омонатлар**

| | |
|---|---|
| «Саломатлик — 2007» | йиллик 21% |
| 6 ойдан 1 йилгача | йиллик 17% |
| 1 йилдан 3 йилгача | йиллик 17% |
| 3 йилдан 5 йилгача | йиллик 17% |
| «Таътил — 2007» | йиллик 24% |
| «Умид» | йиллик 18% |
| «Юбилейный» | йиллик 18% |
| «Олтин куз» | йиллик 18% |
| «Харидор» | йиллик 12% |
| «Ипотека» | йиллик 10,5% |
| «Саховат» | йиллик 18% |
| «Соғлом келажак» | йиллик 18% |
| «Табассум» | йиллик 18% |

**Хорижий валютадаги омонатлар**

| | |
|---|---|
| **АҚШ доллари** | |
| 6 ойга (энг ками 3000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 9,0% |
| 6 ойдан 1 йилгача (энг ками 1000 дан 2000 АҚШ долларигача) | йиллик 6,0% |
| 6 ойдан 1 йилгача (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 7,0% |
| 6 ойга (энг ками 2000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 8,0% |
| 1 йилга (энг ками 5000 АҚШ доллари ва юқори) | йиллик 9,0% |
| **Евро** | |
| 1 йил (энг ками 300 евро ва юқори) | йиллик 3,0% |
| 1 йилдан юқори (энг ками 1000 дан 5000 еврогача) | йиллик 4,0% |
| 1 йилдан юқори (энг ками 5000 евро ва юқори) | йиллик 4,5% |

**Маълумот учун телефонлар: 120-83-77, 120-39-18, 144-56-55, 125-50-26.**



**Хорижий корхона қуйидаги мутахассисларни доимий ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:**

- **тўқув машиналари оператори** ***(3 сменалик иш, 18 дан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизлар);***
- **қадоқловчилар** ***(2 сменалик иш, 18 дан 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар);***
- **фаррош.**

**Суҳбат Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Беруний кўчаси, 14-уй (эски Заготконтора биноси)да соат 10.00 дан 17.00 гача ўтказилади. Дам олиш куни — якшанба. Мўлжал: 3-автокорхона, «SIBUR» заводи. Суҳбатга келганлар паспорт нусхаси ва фотосурат олиб келишлари шарт.**

**Маълумот учун телефонлар: 215-84-84, 215-85-85. Факс: 215-80-08.**

